

# МУГАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



ISSN 2181-7138

№ 1/2 2022 жыл

## Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**  
*A. Тилегенов*

**Редколлегия ағзалары:**  
Максет АЙЫМБЕТОВ  
Нафмет АЙЫМБЕТОВ  
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ  
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ  
Алишер АЛЛАМУРАТОВ  
Дилшодхұжа АЙТБАЕВ  
Өсербай ӘЛЕҮОВ  
Аскар ДЖУМАШЕВ  
Кеңесбай Даулетяров  
Гүлнара ЖУМАШЕВА  
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Гулмира КАРЛЫБАЕВА  
Асқарбай НИЯЗОВ  
Сабит НУРЖАНОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Зухра СЕЙТОВА  
Айдын СУЛТАНОВА  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Ризамат ШОДИЕВ  
Ойбахор ШАМИЕВА  
Бекзод ХОДЖАЕВ  
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Гулрухсor ЭРГАШЕВА

**Шөлкемлестириўшилер:**  
**Қарақалпақстан Республикасы**  
**Халық билимлендіриў**  
**Министрлігі, ӨЗПИИИ**  
**Қарақалпақстан филиалы**

**Өзбекстан Республикасы**  
**Министрлер Кабинети**  
**жанындағы Жокарғы**  
**Аттестация Комиссиясы**  
**Президиумының 25.10.2007**  
**жыл (№138) қаравы менен**  
**дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм**  
**хабар агентлиги тәрепинен**  
**2007-жылы 14-февральдан дизимге**  
**алынды №01-044-санлы гүйалық**  
**берилген.**

**Мәнзил:** Нөкис қаласы,  
Ерназар Алакөз көшеси №54  
**Тел.:** 224-23-00  
**e-mail:** uzniipnkkf@mail.uz,  
mugallim-pednauk@mail.uz  
[www.mugallim-uziksiz-bilim.uz](http://www.mugallim-uziksiz-bilim.uz)

Журналга келген мақалаларға жоюшап қайтарылмайды, журналда жәрияланган мақалалардан алынған үзиндер «Мугаллим ҳәм үзликсиз билимлендіриү» журналынан алынды, дең көрсетилүү шарт. Журналга 5-6 бет колемндеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифттінде электрон версиясы менен бирге қабыл етіледи. Мақалада көлтирилген мәлімдемелер автор жүзуапкер.

# МАЗМУНЫ

## ТИЛ ҲӘМ ӘДЕБИЯТ

Ibadullaev K.M. PIRLS xalqaro baholash dasturi talablari .....	4
Тешабоева З.С. Шакл ва мазмун ўртасидаги функционал алоқалар - сўзлар орасидаги муносабатларни ифодаловчи восита сифатида .....	8
Марипова Н.Х. Инновационные подходы обучению иностранному языку в неязыковых вузах .....	10
Ахмадалиева М.Ш. Роль литературной критики в саморазвитии писателя .....	14
Наримбоева Л.К. Практические аспекты формирования коммуникативного подхода в развитии языковой личности при обучении иностранному языку .....	17
Achilova M.S. Composition analysis of the work A.S.Chulpan .....	21

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ибадуллаев К.М. Интерактив электрон доскалар – таълим сифатини оширишнинг омили сифатида .....	24
Ахмадалиев Б.С. PIRLS баҳолаш тизимида танқидий ўқиш тамойилларининг аҳамияти ..	26
Шарипова Н.Б. Ўқувчилар билан ишлаш жараёнида ноанъянавий дарсларни ташкил этиш .....	30
Атабоев Ф.У. Методы и формы обучения в непрерывное образование .....	34
Атабеков Ф.О. Коммуникативная стратегия убеждения и способы её реализации в аргументационных текстах паремий .....	38
Холматова С.К. Медиакомпетентность педагога как фактор развитие медиаграмотности студентов .....	40
Исманова М.А. Психологические свойства формирования профессиональной направленности личности педагога .....	44
Носирова Р.Х. Инновационные методы преподавания психологии и связь с педагогикой .....	48
Санакурова А.Р. Повышения качества педагогического корпуса в профессионально-ориентированное подготовке в межотраслевой интеграции .....	51
Ибадуллаев К.М. Применение компьютерных технологий в обучении географии .....	54
Муталова Д.А. Методы и формы обучения в непрерывное образование .....	57
Xidoyatova N.A. Integrative approach: important element of teaching of foreign language .....	62
Shonasirova Z.Yu. The role of independent works in educational process .....	65
Xidoyatova N.A. The psychological development of properties volitional qualities of pupils .....	68
Joraboyeb A.B., G'anixo'jayev A.Sh. Professional training of a teacher of a new formation in the conditions of the implementation of inter-industrial integration .....	72

## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИХ, ФИЛОСОФИЯ

Соатов Э.М. Возможности предвидение: методы и средства познания будущего .....	75
Ismanova M.A. Methodology of teaching history as an academic subject .....	79

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Турсунбоеva M.D. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий сифатларини узвийлик ва узлуксизлик тамойили асосида боскичма-боскич шакллантириш .....	86
Журабоев A.B. Совершенствование информационных технологий в формировании профессиональной компетентности будущего специалиста .....	89
Холматова С.К. Применение информационно-коммуникационной технологии в обучение правового мышление .....	93
Каюмов Ж .С. Теория применение информационно-коммуникационной технологии в образование .....	95
Tursunboyeva M.D. System of information and communication technologies in the education .....	99

## БАСЛАЙШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТЭРБИЯ

Хурвалиева Т.Л. Мактабгача 5-7 ёщдаги болаларни атроф олам билан таништиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш .....	103
Каримжанова Д.А. Мактабгача таълим муассасаларда тарбияланувчиларни ижодкорлигини ривожлантиришнинг интерактив методлари .....	107
Хурвалиева Т.Л., Худойберганова Ш.Б. Мактабгача ёщдаги болаларни атроф олам билан таништиришда хорижий тажрибалардан фойдаланиш .....	111
Abdullayeva M.D. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida ijtimoiy-huquqiy me'yorlar asosida ijtimoiy ko'nikmalarni takomillashtirish yo'llari .....	115
Abdullayeva M.D. Maktabgacha va kichik maktab yoshidagi bolalarni ijtimoiy-huquqiy me'yorlar bilan tanishtirish .....	118
Шанасирова З.Ю. Подготовка будущего учителя к преподаванию дисциплины «Окружающий мир» в начальной школе .....	120
Абдуллаев А.А., Эркинходжаева Г.Э. Место и роль физической культуры в общей системе воспитания детей дошкольного возраста .....	125
Матмуродов А.К. Повышение уровня самостоятельности на основе структуры урока труда в младших классах .....	129

## ФИЗИКАЛЫҚ ТЭРБИЯ ХƏМ СПОРТ

Носирова Р.Х.,Рустамбекова Н.А. Соглом турмуш тарзини яратишида ижтимоий хамкорлик масалалари .....	135
Солайдинов Э.Ш. Соғлом турмуш тарзини яратишида кўхна ҳалқ ўйинларидан фойдаланиш йўллари .....	140
Хуррамов Э.Э. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда Европа мамлакатлари тажрибаларидан фойдаланиш технологиялари .....	142
Хакимов Ш.Т. Жисмоний тарбия бўйича дарс конспектини тузиш методикаси .....	148
Абдуллаев А.А. Физическое воспитание в системе подготовки человека к профессиональной деятельности .....	154
Абдуллаев А.А. Социокультурные функции и роль физической культуры в формировании основных качеств и свойств личности .....	157
Gimazudinov R.G. The oretical and practical basis of badminton coach activity .....	160

ришда, тарбиячилар томонидан педагогик жараённи ташкил этишда интерактив методлардан фойдаланишнинг самарали усуслари кўрсатилиган.

РЕЗЮМЕ

В статье показаны эффективные способы использования интерактивных методов в развитии интеллектуальных способностей детей в условиях дошкольного образования, организации педагогического процесса воспитателями.

SUMMARY

The article highlights the issues of effective use by teachers of interactive methods in the organization of the pedagogical process in the formation of intellectual abilities in children in preschool educational institutions.

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ АТРОФ ОЛАМ БИЛАН  
ТАНИШТИРИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Хурвалиева Т.Л.**

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти  
“Мактабгача таълим методикаси” кафедраси доценти,  
педагогика фанлари доктори (DSc)*

**Худойберганова Ш.Б.**

*Мактабгача таълим йўналиши I-босқич талабаси*

**Таянч сўзлар:** модернизация, стандарт, идрор, интеллектуал, тамойил, метод, дидактик ўйин, сенсомоторика, қобилият, иқтидор, атроф-мухит, дизайн, хавфсизлик.

**Ключевые слова:** модернизация, стандарт, восприятие, интеллект, принцип, метод, дидактическая игра, сенсомоторика, способность, талант, окружающая среда, дизайн, безопасность.

**Key words:** modernization, standard, perception, intellect, principle, method, didactic game, sensorimotor, ability, talent, environment, design, safety.

Сўнгти йилларда республикамизда мактабгача таълим тизими мазмунини ошириш мақсадида бир қанча ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда мактабгача таълимни модернизациялаш жараённида мактабгача ёшдаги болалар таълимтарбиясига оид илмий-методик асослар ишлаб чиқилди, жаҳон стандарти даражасида янги мазмун ва йўналишида меъёрий хужжатлар қабул қилинди. Мазкур тизимнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштиришда хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш муҳим саналади. Шундай экан, мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришда замонавий ёндашувларни амалга ошириш ҳамда хорижий тажрибаларга таяниш мақсадга мувофик.

Куйида мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия бериш юзасидан хорижий олимларнинг назарий таълимотларини келтирамиз. Польшалик педагог Я.Корчак болани тарбиялашда эркинлик бериш лозимлигини кўллаб-кувватлади. “Меъёрдаги тарбия жараёнини ташкил этиш шартлари оила ва болалар жамоасида соғлом муҳит яратиш, ўзаро ишонч, хурмат, бола эркинлигини кафолатлаш, унинг қизиқишилари ва эҳтиёжларини қондириш, зўрлашдан қочиш хисобланади”[2]. Дарҳақиқат, болаларга таълим-тарбия беришда шахсга йўналтирилган таълимни кўллаш, уларга эркинлик мустақил фикрлаш имконини беради. Бунда болаларга шахс сифатида қаралади, уларнинг қизиқиши ва эҳтиёжлари қондирилади.

Инсонпарварлик педагогикасини асосчилари американлик олимлар Э.Фромм, К. Роджерс, А. Маслоуарнинг фикрича, таълим ва тарбиянинг асосий вазифаси шахсга ўзини фаоллаштиришга имкон берувчи шароит яратишдан иборат бўлади. Бу жараёнда катталар ва болаларнинг ўзаро ҳаракати шахсга йўналтирилган таълимга асос-

ланиб, унда болага ижобий муносабатда бўлиш ва уни борлигича қабул қилиш мухим педагогик шартлардандир.

Я. Коменскийнинг таъкидлашича, атроф оламни ҳиссий идрок этиш табиат ҳодисаларини тизимли равишда кузатиш жараёнида ҳосил бўлади, бу эса оламни англашнинг асоси бўлиб хизмат килади. У ўзининг педагогик карашларида куйидагиларни келтиради:

- атроф олам ва табиат болада сенсорикани ривожланишига таъсирир кўрсатади, унинг билимларини бойитади, ахлоқий сифатларини шакллантиради;
- бола атроф оламни тушуниши натижасида интеллектуал жиҳатдан ривожланади;
- болаларга атроф оламни ўргатишда кўргазмалилик, оддийдан мураккабга ҳаракат қилиш, онглилик ва фаоллик тамойилига асосланади;
- атроф олам билан танишиши катталар раҳбарлигида олиб борилади [5;27-30-б].

Унинг фикрича, бола билим ва ахлоқий тасаввурларни бевосита табиат билан мулоқотда ўзлаштириши зарур. Унинг педагогик гояларида боланинг бир ёшида ҳиссий тажрибининг ўзлаштирилиши, кейинги ривожланишига ҳам таъсирир кўрсатади. Бола ривожланишида мустакил билиш ва амалий фаолият зарур бўлиб, унинг хулк авторига салбий таъсирир кўрсатмаслиги керак.

Фридрих Фребелнинг педагогик тамойилларida боланинг имкониятлари фаолият жараёнида ривожлантирилиши эътироф этилади. “Кичик болажон нафакат яшашга тайёрланади, у мумкаммал яшай бошлайди, унинг хаётни ўзининг эҳтиёжи ва хукуклари билан алмалга оширилади”-деган гояни илгари сурган холда ўйин назариясини яратди [7]. Атроф олам билан танишириша дидактик ўйинлардан фойдаланиши болалarda ҳаётий компетенцияни шаклланнишига замин яратади.

М.Монтессори эркин тарбия бериш гоясини илгари суради. “Бола түғма эҳтиёжларини эркинлик ва ўзининг хоҳиши иродасини намёён этиши билан қондиради, эркин равища машигулут танлайди”[8]. Ҳозирги кунда ҳам мактабгача таълим тизимида Монтессори методикасидан болалар сенсомоторикасини ривожлантириша кенг фойдаланимлекда.

Илк ёшдаги болалар таълим-тарбияси бўйича Вальдорф педагогикасининг асосчиси Р.Штайнер инсонпарварлик гоясини ривожланишига хисса кўшган. Болада қобилият ва иқтидор атроф оламни англаш негизида ривожланади. Бунда асосий тамойил болага ижобий муносабатда бўлиш, уларнинг ютукларини катталар томонидан баҳолашдан иборат. Вальдорф педагогикаси мактабгача тарбияда ота-оналарнинг фаол иштирок этишига оид гояси билан ажralиб туради[9]. Катталар болани бошқармай ва босим ўтказмай, мазмунли ўйинлар учун шароит яратади, ҳар кунги ҳаётida юқори ижобий ҳиссий кўтарилик кайфиятни ташкил этишлари лозим.

Францияда Полина Кергомар биринчи марта оила, мактабгача таълим муассаси ва бошлангич таълимда ўзаро боғликлек бўлиш муаммосини илгари суради Тарбиячилар ва ота-оналар ўртасида ҳамкорлик ўрнатишни тақлиф килади, бола оиласдан мактаб таълимига ўтаётганда стресс ҳолатини бошидан ўтказмаслик зарурлигини асосслайди. Оналар методини ташвиқот килади яъни болага ақл билан ва меҳрли муносабатда бўлишини тарғиб қилади. Шунингдек, мактабгача муассасада ўқитиши мазмунини бошлангич мактабга ўтишида соддалаштириб ўқитишини тавсия этади. Полина Кергомар раҳбарлигида мактабгача ёшдаги болалар тарбиясига оид дастур ишлаб чиқилди, айрим ўзгартиришлар киритилиб ҳозирги даврда ҳам ундан фойдаланимлекда. Оналар мактаби ўқув-тарбиявий муассаса бўлиб, 2 ёшдан

6 ёшгача болалар қабул қилинади. Дастьур иккита ёш гурухлар учун тузилган бўлиб, кичик гурух 2-5 ёш ва катта гурух 5-6 ёшли болаларни қамраб олади.

Фиримизча, тарбиячи ўйин давомида болаларни тарбиялаши ҳамда уларнинг қобилияти, қизикиши ва мойилликларини кўриши олиши имконига эга бўлади. Болаларга ўзини намоён этишлари учун эркинлик бериш лозимлигини тасдиқлайди.

Францияда таникли педагог Полина Кергомар томонидан мактабгача таълим тизими дунё бўйича мамлакатнинг тарихий анъаналари ва миллий хусусиятидан келиб чиқиб шакллантирилган. Мактабгача ёщдаги болалар ҳаётини ташкил этиш бўйича батафсил тавсиялар берилган. Улар: “кун тартиби, овқатланиш, бинонинг жиҳозланиши, керакли жиҳозлардан фойдаланиш. Таълим-тарбия нутқ ўстириш, ўқиш, ёзиш, мусика, кўл меҳнати, атроф-олам билан таништириш машғулотлари жараёнида амалга оширилиши лозим”- дейди [2;89-97-б].

Германияда болалар боғчаси болаларни ўзини намоён этишга, атроф оламни тушуниш ва бошқалар билан мулоқот килишга ўргатади. Педагогик жараён турли ривожлантирувчи марказлар асосида ташкил этилади. Асосан болаларнинг ижтимоий ривожланнишига эътибор қаратилиади.

Англияда мактабгача таълим мұассасасида таълим-тарбия жараёни бир канча соҳаларда ташкил этилади. Жумладан, “Атроф билан таништириш” соҳасида болалар табиат ва атроф олам, табий-илмий фанлар, география ва тарих, дизайн ва информатика, миллий ва дунё маданияти билан таништириладилар. Бу бўлимда куриш ясаш ҳам амалга оширилади. Англиядаги мактабгача таълим мұассасаларида информацион-коммуникацион технологияларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратилиади. Болаларга фан ва техниканинг охириги ютуқларидан фойдаланиш ўргатилади. Масалан, компьютер, масофадан бошқариладиган ўйинчоклар ва бошқарув дастьурлари, приборлар, микроскоплар… .

Жанубий Кореяда мактабгача таълим куйидаги йўналишларда олиб борилади: жисмоний тарбия, мусика ва рақс дарслари, анъаналарни ўрганиш, жонли табиатда машғулот, турли хил фанлардан дарслар. Яна бир йўналиш бу техника хавфсизлиги асослари хисобланади. Кореялик болалар зарур бўлганда тез ёрдамга кўнғирок қилиши ва ёнғин бўлганда нима қилиш кераклигини билиши талаб сифатида белгиланган.

Японияда мактабгача тарбия оиласдан бошланади, ота-оналар болаларга хулк-автор мөъёлларини ўзларининг ҳатти-ҳаракатлари билан ўргатадилар, болаларда мустақиллик, эзгулик ва яхшилик каби сифатлар шакллантирилади. Японияда мактабгача таълим куйидаги йўналишларда амалга оширилади: ижтимоий муносабатлар; соғлик ва хавфсизлик; тил ўрганиш; атроф мухит; ҳиссиётларни ифодалаш. Дарҳақиқат мамлакатимизда ҳам мактабгача таълим стандартида мазкур йўналишлар ўз аксини топган.

Хитойда ҳозирги кунда мактабгача таълим мұассасалари ягона “Таълимий-тарбиявий ишлар” дастури бўйича фаолият кўрсатади. Бугунги кунда “Мактабгача таълимда директив дастур (эксперимент варянт)” тажрибадан ўтказилипти. Бу дастур Л.С. Выготский, Ж. Пиаже, Г. Гарднер ва хитойлик педагог Дао Сичжи foяларига асосланади. Дастьур бешта бўлимдан изборат: соғлик (соғликни мустахкамлаш, соглом турмуш тарзига одатлантириш (коида ва одатлар); нутқ (коммуникатив фаоллики ошириш, нутқий қобилияtlарни ривожлантириш); ижтимоий кўнималар (ўзини ривожлантириш, ўзига ишончни ошириш, бошқаларга меҳрибонлик қилиш ва улар билан дўстона муносабат ўрнатиш ҳамкорлик қилиш); илмий қизикишлар (қизикувчанликка туртки бериш ва билимларни ўзлаштиришга ҳаракат қилиш,

англаш қобилиятини ривожлантириш); санъат (эстетик хисларни шакллантириш, ҳиссий хозиржавоблик ва истакларни амалга ошириш.

АҚШда “International Preschool Curriculum” дастури амалда бўлиб, турли йўналишларни камраб олган ҳамда кадриятларни мужассам этган. Улар: толерантлик, очиқлик, лидерлик қобилияти ва сифатларини ривожлантириш. Америкада мактабгача таълим муассасаларида бир нечта марказлар ташкил этилган: сюжетли-ролли ўйин; кўғирчоқ театри; санъат; пазандалик; кум ва сув ўйинлари; илмий-математик. “Кичик ёшдаги болаларда атроф-мухит таълими ҳалқаро нотижорат ташкилоти” (North American Association for Environmental Education) ташкил этилган бўлиб, ташкилотнинг асосий мақсади мактабгача таълим муассасалари ҳодимлари учун атроф-мухит таълими доирасида семинар-тренинглар, малака ошириш курслари ташкил этишдан иборат.

Италияда мактабгача таълим дастурлари куйидаги йўналишларда олиб борилади: атроф олам билан таништириш; риторика ва сўз бойлигини ошириш; жисмоний ривожлантириш; хорижий тиллар бўйича элементар билимлар олиш; мустакиллик ва индивидуаликни ривожлантириш.

Швецияда мактабгача таълим бола тарбиясида табиий ва зарурий босич ҳисобланади. Бола эришган муваффақиятлари муайян мезон ёки ўлчов билан баҳоланмайди. Болалар мулокот ва жамоада ўйнаш, сабрлилик ва атрофдаги одамларга ҳурматда бўлишга ўргатилиди. Шундагина мактабгача таълим ташкилотида болага ҳурмат ва шахсга йўналтирилган таълим устуворлик килади.

Хулоса килиб айтганда, мактабгача таълим жараённида педагогик фаолият боланинг мақсадлари ва истакларини рўёбга чикариши ҳамда атроф-мухитни билишга йўналтирилиши лозим. Педагогик жараённинг марказида бола, унинг ички дунёси, эҳтиёжлари, қизиқишлари, қобилиятлари туради. Бола учун энг муҳими, ўзини билиш, атроф-мухитдаги нарса ва ҳодисалар қандай тартибга солинганлигини билишга интилишида намоён бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг ilk ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига кўйиладиган давлат талаблари. Мактабгача таълим вазирлиги МХ-1-сон бўйруги. Т.: 2018. 18 июнь.-316.
2. Волобуева Л.М., Авилова Е.А. История дошкольной педагогики. Учебно-методические материалы. М.: МПГУ, 2017- 60 с.
3. Карпова Е.В. Дидактические игры в начальный период обучения. Популярное пособие для родителей и педагогов. / Художники М.В.Душин, В.Н. Курлов. – Ярославль: «Академия развития», 1997.
4. Монастырный Е.А. Инновационный кластер // Инновации. 2006. № 2. С. 38-43.
5. Пережовская А. Н. Вклад Я. А. Коменского в развитие педагогической науки. // Инновационные педагогические технологии: материалы II Междунар. науч. конф. (г. Казань, май 2015 г.)- Казань: Бук, 2015-С. 27-30.
6. Тургунов С., Максудова Л. ва бошк. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошвариши технологиялари. Т.: -Сано-стандарт, 2012-100 б.
7. Фребель Ф. Будем жить для наших детей//Серия Психология детство.Классическая наследие.-Екатеринбург; У-Фактория, 2005.-248 с.
8. Фаусек. Ю., Т.Сухотина.Три путешествия в Рим к Марии Монтессори.2013-160с.
9. Штайнер Р. Воспитание ребенка с точки зрения духовной науки.Из. ГА 034. Пер .с нем. Д.Виноградова. Электронные книги. ГА. М.: -2009 г.

#### РЕЗЮМЕ

Маколада мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништиришга оид хорижий олимпийларининг педагогик карашлари таҳлили ёритилган. Мактабгача таълим-тарбияни ташкил этишга бўйича илмий гоялар илгари сурйлган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье освещается педагогические взгляды зарубежных ученых на ознакомление дошкольников к

окружающим миром. Были выдвинуты научные идеи по организации обучения и воспитание дошкольного образования.

SUMMARY

The article highlights the pedagogical views of foreign scientists on familiarizing preschoolers with the outside world. Scientific ideas were put forward on the organization of training and upbringing of preschool education.

◆◆◆◆◆

**BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA IJTIMOIY-  
HUQUQIY ME'YORLAR ASOSIDA IJTIMOIY KO'NIKMLARНИ  
TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI**

*Abdullayeva M.D.*

*TVChDPI "Bolalar sporti" kafedrasi o'qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** xulq-atvor qoidalar, axloqiy manbalar, estetik me'yorlar, "faoliyat standartlari".

**Ключевые слова:** правила поведения, этические ресурсы, эстетические нормы, "стандарты деятельности".

**Key words:** rules of conduct, ethical resources, aesthetic norms“ «standards of activity».

Shaxs hayoti bevosita jamiyatda, unda istiqomat qiladigan kishilar orasida kechadi. Jamiyat a'zolari o'rtasidagi shaxslararo aloqalarning samarali kechishi bevosita shaxsning ijtimoiy munosabatlar mazmuniga bog'liq. Ijtimoiy munosabatlar mazmuni esa o'z navbatida ijtimoiy me'yorlarning aniqlanganligi, jamiyat tomonidan qay darajada tan olingenligi hamda amaliy faoliyatda ularga rioya etilayotganligi bilan belgilanadi. Shaxs ta'lim olish jarayonida ijtimoiy madaniy muhit bilan bevosita o'zaro ta'sirlashadi va u shaxsga ta'limi y ta'sir ko'rsatadi.

Ijtimoiy me'yorlar aynan shaxslararo munosabatlar negizi, unda aks etuvchi xususiyatlarga muvofiq shakllantriladi. Garchi shunday bo'lsa-da, biroq hamisha ham ijtimoiy me'yorlarning mohiyati jamiyat a'zolari tomonidan birdek anglanmaydi. Kuzatishlarga ko'ra ijtimoiy me'yorlarning mohiyati ko'p hollarda huquqiy yo'nalish bo'yicha maxsus ma'lumotga ega, aynan sud-huquq, soliq, bojxona yoki ichki ishlar tizimida faoliyat yuritayotgan shaxslar tomonidangina muayyan darajada anglanishi mumkin. Binobarin klaster yondashuv asosida ijtimoiy me'yorlar, ularning mazmunitan barcha birdek xabardor bo'lislari kerakligining dolzarbligi yanada ortadi.

Shu bois fuqarolarni ijtimoiy me'yorlarning mohiyati bilan tanishtirish, ular to'g'risidagi ma'lumotlarning izchil berib borilishiga erishish jamiyat miqyosida hal qilinishi shart bo'lgan vazifalardan biri sanaladi. Bu vazifaning ijobji hal qilinishida tarbiyaviy ta'sir kuchiga ega sub'ektlar qatorida ta'lim muassasalarini ham alohida o'rın tutadi. Ta'lim muassasalarini eng oddiy, shuningdek, ishlab chiqarish va kasbiy faoliyatni yo'lga qo'yish, inson huquqlarini muhofaza qilish darajasida aks etadigan ijtimoiy me'yorlardan o'quvchilarni xabardor qilish, ularning ahamiyati, rioya etish zaruriyatini anglatish imkoniyatiga ega. Mayjud imkoniyat ta'lim muassasalarida o'quvchilarni ijtimoiy me'yorlar mazmuni bilan bosqichma-bosqich tanishtirib borilishini ta'minlaydi.

Maktabgacha va kichik maktab yoshidagi bolalarni ijtimoiy me'yorlar bilan tanishtirib, ularda ijtimoiy ko'nikmlarни rivojlantirib borish, muhim ahamiyat kasb etadi. Bunda tarbiyalanuvchilarga va boshlang'ich sinf o'quvchilariga beriladigan ma'lumotlar ularning kundalik hayotlarida namoyon bo'ladigan ijtimoiy munosabatlar, shaxslararo o'zaro muloqotga asoslanishi lozim. Ya'ni bolalarning ota-onalari, oila a'zolari, ular mansub bo'lgan mikromuhitdagi sub'ektlar va tarbiyachi-pedagoglar bilan munosabatlari bu jarayonda ustuvor ahamiyat kasb etadigan ijtimoiy me'yorlar misolida ochib beriladi.